



тўпловчи: Абу Жафар ал-Бухорий

Ҳаромдирни ўзгаришни ўзгаришни ўзгаришни ўзгаришни

Эркак ва аёлларнинг аралашиб юриши харомдир.

Аллохга хамдлар, унинг элчиси, пайгамбарларнинг сўнгтиси Мухаммад, унинг оиласи, асхоблари ва уни киёмат кунига кадар суйган ва унга эргашганларнинг барчасига Аллоҳ салавот ва саломлар йўлласин!

Сўнг:

Муслима синглим! Икки жинс -эркак ва аёлнинг бир-бирлари билан аралашиб юришларини номус ва шарафни химоя килиш хамда шубхалардан узок бўлиш учун, харом килиши исломнинг кулайлиги ва имкониятларидандир...

Масалан: хижоб сизга нисбатан бир вохага ўхшайдики, унинг соялари ва буюклиги билан фойдаланасиз... хижоб илмонийлик ва гарблаштириш учун даъват этаётган кимсалар тасвирлаганидек, зиндоннинг бир парчаси эмас... сиз уларнинг фирибларидан эхтиёт бўлинг! Ахир кимматли инжу эхтиёт килиниши керак-ку!!

Мавзунинг далиллари:

Аллоҳ таъоло деди: (хой Мухаммад), мўминаларга айтинг:
«(номахрамлардан) кўзларини юмсинлар, номусларини (хгаромдан) сакласинлар, (аврат бўлмаган) ерларидаги зийнатларидан бошка зийнатларини кўрсатмасинлар. Рўмоллари билан кўкракларини хам ўрасинлар. Зийнатларини эрлари, оталари, (ўз) ўгиллари, (ўгай)



ўгиллари, ака-укалари, жиян (ака-ука ёки опа-сингилларининг болалари, ўзларига аралашиб юрадиган (хизматчи) хотинлар, чўрилари, эркаклик хусусиятлари бўлмаган ва улар билан аралашиб юрадиган кишилар ёки аёлларнинг авратларини кўрмаган гўдакларга кўрсатсалар бўлади. Яширган зийнатларини одамлар билиши учун оёкларини оёкларига урмасинлар. Хой мўминлар, хар бирингиз Аллохга тавба килинглар, шояд нажот топсангиз!».

Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «аёлларнинг хузурига кирманглар!» дедилар. Ансорлардан бири: ё Росулуллоҳ, хамв (эрнинг эркак яқинлари) хакида нима дейсиз? деб сўради. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «хамв ўлим демакдир» деб жавоб бердилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари). (яъни эрнинг дадасидан ташкари эркак кариндошлари ака-укалари, жиянлари, амакитогалари вахоказолар келин учун номахрамдир).

Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «Бир эркак (маҳрами бўлмаган) аёл билан (хилватда) бирга турмасин. Чунки, уларнинг учинчиси шайтон бўлади» дедилар. (Бухорий ривояти) Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «бошингизга бигиз билан урилиши, ўзи учун халол бўлмаган аёлни ушлашидан кўра яхширокдир» дедилар. (Табароний ва Байхакий ривояти . хасан хадис).

Абу Бакр розияллоҳу анхунинг кизи Асмо розияллоҳу анҳо : «биз эркаклардан юзимизни тўсар эдик» деди. (Хоким ривояти. Имом Бухори ва имом Муслим шартига кўра бу хадиснинг санади сахихдир).

Харом килинган аралашиш кўринишлари:

- 1- Кизларнинг амаки ва амманинг ўгиллари билан аралашишлари.



Ислом Нури

- 2- Кизларнинг тога ва холанинг ўгиллари билан аралашишлари.
- 3- Келиннинг кайногалари билан аралашишлари.
- 4- Куёвнинг кайнсингиллар билан аралашишлари.
- 5- Аёлнинг сутдош огаси билан шу аёлнинг хакикий сингилларининг аралашишлари.
- 6- Никоҳ килинмаган, лекин, унаштирилган кизи билан йигитнинг танҳо колиши, сухбатлашиши, сайр килиши. Бирок уйланишга жазм килса, маҳрамларининг хозирлигига, кизга караш хукуки бордир.
- 7- Мехмонхона каби баъзи ерларда хизматкор эркакларнинг аёллар турган тарафларга кириб аралашиб юришлари.
- 8- «Калбим сут каби оппок», «хамма нарса нийятга боғлик» деган баҳона билан ажнабий бўлган барча эркаклар билан аралашиш.
- 9- Кампирларнинг ажнабий эркаклар билан танҳо колишлари. Чунки, шариат уларга юзларини очишга рухсат берди.
- 10- Аёлларнинг кибладошим ёки «кариндошим» деган баҳоналар билан ажнабий эркаклар билан аралашиб юришлари.
- 11- Балогат ёшига етган кизларнинг «булар хали сагира» деган баҳона билан ажнабий бўлган ёшлар ва эркаклар билан аралашиб юришларига эътибор бермаслик. Аммо хаёли бўлишлари улар учун яхшидир.
- 12- Хайдовчининг сайёраларда ажнабий аёллар билан танҳо



колишлари.

13- Баъзи аёлларнинг сафар ёки хажга маҳрамсиз чикишлари.

14- Олийгоҳ ёки мактабларда ўкувчи киз ва болаларнинг бир синфда аралаш ўкишлари.

15- Олийгоҳ, дорулфунун ва мактабларда аёлларнинг ёшларга, эркакларнинг кизларга рӯбарӯ туриб дарс беришлари.

16- Гарбга юборилган ўкувчиларнинг гарбий оиласалар билан аралашишлари ва бир уйда колишлари.

17- Бошлангич синфларга аёлларни муаллима килиб юбориши, икки жинс ўртасидаги аралашишнинг энг хунук бошланиши бўлиши.

18- Аёлларни: «олий – маданий дарсларни ўрганиб келади» деб, гарб мамлакатларига жўнатиш. Бу эса аёлларнинг халокатга олиб борадиган гарбий фикрлар билан захарлаш демакдир.

19- Талаба ва толибаларнинг «синфдан ташкари дарслар» деган баҳоналар билан, бир синфда бирга бўлишлари.

20- Дорулфунунда ёзилган иншоларни текшириш учун бириктирилган устозларнинг толибалар билан ёлгиз колишлари.

21- Хусусий муаллимларнинг дарс баҳонасида толибалар билан ёлгиз колишлари.

22- Шеърхонлик, илмий мунозаралар ва ё бошқа хилма-хил мавзуларда ўтказиладиган кечаларга аёлларнинг боришлари ва эркаклар билан

ёнма-ён ўтиришлари.

23- Хамшира ва табибаларнинг ажнабий(т) эркаклар билан, гарчи табиб ва табиб ёрдамчилари бўлсаларда ёлгиз колишлари.

24- Табибнинг хаста ёки табиба билан ёлгиз колиши.

25- Табибнинг маҳрамсиз хаста билан ёлгиз колиши.

26- Хеч бир зарурат ва эхтиёжсиз ёки табиба бўла туриб, аёл кишининг (эркак) табибларга бориб аъзоларини кўрсатишлари.

27- Кузатиш, кутиш ва шу каби муносабатларда эркаклар билан аёлларнинг аралашишлари.

28- «Зарурат» деган баҳоналар билан дорихона ва тиббий тажрибаҳоналарда эркаклар билан аёлларнинг аралашиб юришлари.

29- «Оила куни» деган баҳоналар билан сайил ва ўйингоҳларда эркаклар билан аёлларнинг аралашиб юришлари.

30- Аёлларнинг эркаклар билан аралashiши ёки дўкон ва шунга ўхшаш ерларда аёл билан эркакнинг ёлгиз колишлари.

31- Аёлларнинг ошхона ва бошка емакхоналарда аралашиб юришлари.

32- Аёлнинг сайёра, тайёра ва ўтўбисларда маҳрамсиз сафар килиши.

33- Аёллар билан эркакларнинг бозорларда аралашиб юришлари.

34- Эркак мусаввирлар томонидан аёлларни суратга олиш.



35- Мавлид ва бошка дин номи билан килинаётган, дин эса буюрмаган бидъий муносабатларда эркаклар билан аёлларнинг аралашишлари.

Бундан бошка харом килинган аралашишлар хам бор. Аллоҳ таъолодан барчамизни ўзи суйган ва рози бўлган нарсаларга муваффак килишини сўраймиз... Аллоҳ таъоло пайгамбаримиз ва у зотнинг оиласи ва барча асхобларига салавот ва саломлар йўлласин.

(¹) «ажнабий эркаклар» сўзидан маҳрам ва эр бўлмаган кишилар тушунилади. Маҳрамлар булардир: ота, бобо, ва ундан юкорилари, ўғил, набира ва ундан пастлари, aka-ука, кайн ота, тога, амаки, ўгай ўгиллар ва жиянлар. Сутдошлар хам айни шу силсилададир. Аёл ўз юзини кули ёки эркакли хусусиятлари бўлмаган эркаклар ва гўдаклар олдида очиши мумкин